



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI TURKIY KENGASHNING NORASMIY SAMMITIDA ISHTIROK ETDI



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 март куни Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг видеоанжуман шаклида ўтган норасмий саммитида иштирок этди.



Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев раислик қилган тадбирда Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши, Туркий кенгашининг Фахрий раиси Нурсултон Назарбоев, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Қирғизистон Республикаси Президенти Садир Жапаров, Туркия Республикаси Президенти Режел Таййип Эрдоган, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Венгрия Бош вазири Виктор Орбан ва Туркий кенгаш бош котиби Бағдод Амреев қатнашди.

Тадбирда ташкилот доирасида иқтисодиёт, савдо, транспорт соҳаларидаги кўп қиррали амалий ҳамкорликни ҳамда маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда барча туркий халқларнинг маънавий юксалишига катта ҳисса қўшган буюк шоир ва мутафаккир Хожа Аҳмад Яссавий меросига алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари диний-ахлоқий қарашлари билан минтақамизда улкан эътибор қозонган ҳазрат Яссавийга Соҳибқирон Амир Темурихлос қўйгани ҳамда унинг хотирасига атаб Туркистон шахрида муҳташам мақбара бунёд этганини қайд этди.

Бугунги кунда Аҳмад Яссавий мақбараси барча қардош халқларимиз учун табаррук қадамжо ҳисобланади.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида мустақам тарихий ришталар, муштарак тил, маданият ва маънавий қадриятлар асосида шаклланган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши

минтақавий ҳамкорликнинг самарали механизмига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари коронавирус пандемия таъсирида давом этаётган глобал инқирознинг салбий оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш йўлида кенгашнинг яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди. Шунингдек, савдо, инвестиция, sanoat, транспорт алоқаларини тез фурсатда тиклаш ва янги шароитларда ривожлантириш, электрон тижорат ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, ишбилармон доиралар ва ҳудудлараро ҳамкорлик имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланиш зарурлигига эътибор қаратди.

Туркий тилли мамлакатлар ўртасида sanoat кооперациясини кучайтириш ва йирик сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш устувор вазифалардан бири эканлиги, Туркий кенгаш доирасида Инвестиция жамғармаси ва Тараққиёт банкини ташкил этиш ва ишга тушириш бўйича амалий ишларни жадаллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти минтақамизнинг улкан стратегик аҳамиятга эга транспорт ва транзит салоҳиятидан янада унумли фойдаланишга, Осиёдаги глобал бозорларга чиқиш имкониятини кенгайтириш мақсадида Марказий Осиё ҳудудида транспорт йўлакларини, шунингдек, Озарбайжон ва Туркия орқали Европа бозорларига элтувчи йўналишларни ривожлантириш, логистика

инфраструктурасини кенгайтириш бўйича йирик лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга чақирди.

Шавкат Мирзиёев Туркий кенгашга аъзо мамлакатлардаги муқаддас қадамжолар бўйлаб “Табаррук зиёрат” лойиҳасини амалга ошириш, шу мақсадда Зиёрат туризмини ривожлантириш дастурини қабул қилиш ташаббусини билдирди.

Буюк ўзбек шоири, мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг туркий дунё маънавий-маърифий ҳаётига қўшган беқиёс ҳиссасини инобатга олиб, давлатимиз раҳбари фан, таълим, адабиёт, санъат, ижтимоий соҳалардаги ютуқлар ҳамда туркий дунё бирлигини мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларни рағбатлантириш мақсадида

Туркий кенгаш доирасида Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотни таъсис қилишни таклиф этди.

Ўзбекистон Президентининг ташаббуслари саммит иштирокчилари томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Олий даражадаги учрашув якунида Туркистон декларацияси қабул қилиниб, унда норасмий саммитда эришилган асосий келишувлар акс этди.

Туркий кенгашнинг саккизинчи саммитини 2021 йилнинг кузида Туркия Республикасида ўтказиш режалаштирилмоқда.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ TURKIY KENGASHNING VIDEOKONFERENCIYA SHAKLIDA ЎTKAZILGAN NORASMIY SAMMITIDAGI NUTQI

Хурматли Қосим-Жомарт Кемелевич!
Хурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!
Авваломбор, халқаро Наврўз байрами давом этаётган ушбу файзли кунларда Сиз, азизларни кўриб турганимдан мамнунман.

Бугунги учрашувни ташкил этиш ташаббуси билан чиққан муҳтарам оқсоқолимиз, Қозоғистон Республикасининг биринчи Президенти — Элбоши, Туркий кенгашининг Фахрий раиси Нурсултон Абишевич Назарбоевга чуқур миннатдорчилик изҳор этаман.

Анжуманимиз улуғ шоир ва мутафаккир Хожа Аҳмад Яссавий яшаб ўтган қадимий ва навқирон Туркистон шахри билан боғланган бежиз эмас.

Ушбу шаҳри азим “Турк дунёсининг руҳоният пойтахтларидан бири” сифатида эълон қилинишида чуқур рамзий маъно бор.

Маълумки, Мир Алишер Навоий ҳазрат Яссавийга “Туркистон мулкнинг шайхул машоихи” деб юксак баҳо берганлар.

Аҳмад Яссавийнинг улмас мероси буюк аж-доқларимиз — Жалолиддин Румий ва Юнус Эмро, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомий Ганжавий, Махтумқули Фироғий ва Бобораҳим Машраб каби шоирлар қаторида туркий халқларнинг умумий маънавий бойлиги сифатида ардоқлаб келинади.

Аҳмад Яссавий ўз даврида бутун мусулмон оламида “Ислоҳ динининг қуввати” деб шуҳрат қозонган Бухорои шарифда Юсуф Ҳамадоний, Абдуҳолиқ Ғиждувоний каби машҳур уламолардан таҳсил олгани ота-боболаримизнинг доимо сафдош ва ҳамфикр бўлиб келганини кўрсатади.

Ўзининг диний-ахлоқий қарашлари билан минтақамизда улкан обрў-эътибор қозонган

ҳазрат Яссавийга буюк Амир Темурихлос чин дилдан ихлос қўйгани, унинг хотирасига атаб муҳташам мақбара бунёд этганини барчамиз яхши биламиз.

Шунингдек, Соҳибқирон бобомиз ушбу мажмуанинг моддий таъминоти учун вақф ташкил қилгани ва бу жамғарма асрлар давомида фаолият кўрсатгани эл-юртларимизнинг тарихий бирлигидан далolat беради.

Бугунги кунда Аҳмад Яссавий зиёратгоҳини барча қардош халқларимиз табаррук қадамжойи сифатида чексиз қадрлайди.

Кўпмиллатли Туркистон шахри сўнги йилларда тобора гўзал ва обод бўлиб бораётгани, улкан бунёдкорлик майдонига айланаётганига барчамиз ҳозир видеоплаҳалар орқали гувоҳ бўлдим.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, Озарбайжон Президенти ҳурматли Илҳом Гейдарович Алиев ва озарбайжон халқини, Тоғли Қорабоғ ҳудудини қайтариб, тарихий адолатни тиклаш йўлидаги ғалабаси билан яна бир бор табриклайман.

Ўзбекистон Тоғли Қорабоғ заминидagi кўхна обидалар, маданият ва маърифат масканларини тиклаш ишларига ҳисса қўшишга тайёр эканини билдирамиз.

Хурматли саммит иштирокчилари!
Муштарак тил ва ягона дин, тарихий ва маданий ришталар асосида шаклланган Туркий кенгаш ташкилоти минтақавий ҳамкорликнинг самарали механизмига айланиб бормоқда.

Ташкилотимиз ўз тараққиётининг янги даврига қадам кўяр экан, биз ҳар қандай синов ва таҳдидларни биргаликда енгиб ўтишга тайёр бўлишимиз, мавжуд салоҳиятимиздан тўлиқ фойдаланишимиз зарур.

Бу борада бизнинг олдимизда муҳим вазифалар турибди.

Биринчидан, иқтисодий алоқаларни кучайтириш бизнинг асосий мақсадимизга айланиши даркор.

Айни пайтда ишлаб чиқилаётган “Туркий дунёни нигоҳи — 2040” концептуал ҳужжати асосида ҳозирги ва пандемиядан кейинги вазиятни инобатга олган ҳолда, аъзо давлатларга ҳос, яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик стратегиясини тайёрлашни таклиф қиламиз.

Бунда асосий урғуни кечаётган глобал инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш, савдо, инвестиция, sanoat, транспорт алоқаларини тиклаш ва янги шароитларда ривожлантириш, электрон тижорат ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, бизнес ва ҳудудлараро ҳамкорлик имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга қаратиш лозим.

Фойдаланиш, давлатларимиз ўртасида sanoat кооперациясини кучайтириш ва йирик сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида билдирилган таклифларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, Туркий кенгашнинг ўз Инвестициявий жамғармаси ҳамда Тараққиёт банкига эга бўлиш фурсати етди, деб ҳисоблаймиз. Бу борада амалий ишларни бошлаш тарафдоримиз.

Учинчидан, минтақамизнинг транспорт ва транзит салоҳиятини ошириш биз учун стратегик аҳамиятга эга.

Марказий Осиё ҳудуди орқали дунёнинг асосий бозорларига, жумладан, Хитой, Ҳиндистон, Покистон ва Осиёнинг бошқа мамлакатларига, Озарбайжон ва Туркиядан Европа давлатларига чиқиш муҳимдир.

Мазкур йўналишларда транспорт йўлакларини ривожлантириш ва йирик логистика инфраструктурасини биргаликда амалга ошириш ушбу манфаатларимизга тўлиқ жавоб беради.

Тўртинчидан, динимиз тарихида беқиёс из қолдирган улуғ боболаримиз мероси билан кенг жамоатчиликни яқиндан таништириш эзгу интилишларимизга мосдир.

Бу борада мамлакатларимиз ҳудудида жойлашган муқаддас қадамжойлар бўйлаб “Табаррук зиёрат” лойиҳасини амалга оширишни таклиф этамиз.

Бунинг учун Кенгаш доирасида Зиёрат туризмини ривожлантириш дастурини қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бешинчидан, халқларимизнинг дунёвий фанлар ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини ва бой маданий меросини чуқур ўрганиш, турли тадқиқотлар олиб бориш ҳамда жаҳон миқёсида тарғиб этиш катта аҳамиятга эга.

Биз “Туркий дунёнинг маданий пойтахти” мақомини олган Хива шаҳрида сентябрь ойида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда “Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” мавзусида халқаро форум ўтказиш ниятидамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, барча аъзо давлатларни ушбу анжуманда иштирок этишга таклиф қиламиз.

Олтинчидан, биз Буюкда ўтказилган саммитда адабиёт ва санъат соҳасида Халқаро мукофотни таъсис этиш ташаббусини илгари сурган эдик.

Ташкилотимизга аъзо давлатларнинг Сиз, ҳурматли раҳбарларига Туркий кенгашнинг

илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларини, шунингдек, туркий дунё бирлигини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган атоқли шахсларни рағбатлантириш мақсадида халқаро мукофот таъсис этиш ҳақидаги таклифни маъқуллаганингиз учун ташаккур изҳор этаман.

Ушбу мукофотни Мир Алишер Навоий номи билан аташ ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватлаганингиз учун ўз номимдан, Ўзбекистон халқи номидан чуқур миннатдорлик билдираман. Бундай хурмат-эътибор ва ишонч биз учун катта шарафдир.

Биз бундан барча туркий халқларнинг фахру ифтихори бўлган, улуғ зот — Алишер Навоийга юксак эҳтиром ифодаси, деб қабул қиламиз. Бу нуфузли мукофотнинг таъсис этилиши туркий бирлик руҳини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Шу ўринда Ташкилотимиз олдида турган муҳим ва устувор масалалар бугун қабул қилина-диган Туркистон декларациясида ўз ифодасини топганини ва уни қўллаб-қувватлашимизни маълум қиламан.

Хурматли йиғилиш қатнашчилари!
Сўзининг якунида Туркий кенгашнинг фахрий раиси — оқсоқолимиз, Элбоши Нурсултон Абишевичга, Қозоғистон Президенти ҳурматли Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаевга бугунги мулоқотни юқори даражада ташкил этганлари учун яна бир бор самимий миннатдорчилик билдираман.

Барчангизга мустақам соғлиқ, бахт-саодат, Ташкилотимиз нуфузи ва самарадорлигини ошириш йўлидаги шарафли ишларингизда улкан куч-ғайрат ва омадлар тилайман.
Эътиборингиз учун раҳмат.

МУНОСАБАТ

Ўзбекистон — Венгрия: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Қодир ЖЎРАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси ўринбосари

Венгрия Ўзбекистоннинг Марказий Европадаги энг муҳим шерикларидан бири ҳисобланади. Венгрия иқтисодий жиҳатдан анча жадал ривожланаётган мамлакатдир.



Ўзбек ва венгер халқларини муштарак тарихий илдизлар, яқин ҳамкорлик ришталари боғлаб туради. Сўнгги тўрт йил ичида Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми салкам уч баробар ўсди. Пандемия шароитига қарамай, 2020 йилда ҳам ушбу ижобий динамика сақлаб қолинди.

Венгрия Бош вазири Виктор Орбан бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи жуда самарали яқунланганини алоҳида таъкидлаш лозим. Венгрия ҳам, Ўзбекистон ҳам ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор экани ташриф давомида аққол сезилиб турди.

Венгрия билан ҳамкорликнинг мамлакатимиз учун нечоғлиқ муҳим аҳамияти тўғрисида Президентимиз кўйидаги алоҳида таъкидлади: "Мақсадимиз — мамлакатларимиз ўртасида савдо мувозанатини

тиклаш, ўзаро савдо ҳажмини ҳозирги кўрсаткичлардан икки-уч баробарга ошириш. Венгрияга тўқимачилик маҳсулотлари етказиб бериш, ўз навбатида, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилишга тайёрмиз. Будапешт шаҳрида Ўзбекистон савдо уйи очилиши бу борада дадил қадам бўлади".

Ташриф доирасидаги музокаралар жараёнида турли йўналишларда, хусусан, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник ва маданий-гуманитар соҳалардаги муносабатларни ривожлантириш истиқболлари кенг муҳокама қилинди. Томонлар икки мамлакат бозорларига маҳсулотлар етказиб беришни кенгайтириш, сановат операциясини кучайтириш, олий таълим, спорт, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик,

балиқчилик, картошқачилик ва бошқа соҳаларда аниқ лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олдилар.

Музокаралар якунида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир Виктор Орбан томонидан икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация, шунингдек, турли вазирлик ва идоралар ўртасида кўп қиррали шерикликни кенгайтиришга қаратилган 10 дан ортиқ ҳужжатнинг имзоланиши келгуси ҳамкорлик учун қулай имкониятлар яратилаётганидан далолат беради.

Хуллас, Виктор Орбан бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи доирасида ўзбек-венгер алоқаларини чуқурлаштириш ва юқори даражага кўтариш сари муҳим қадам қўйилди. Ўзаро муносабатларда ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Шавкат Мирзиёев ва Виктор Орбаннинг бевосита саъй-ҳаракатлари ва сиёсий иродаси тўғрисидаги ўзаро муносабатларда янги саҳифа очилди. Эндигида эришилган аҳдлашувларнинг тўла-тўқис бажарилишини таъминлаш лозим. Бу вазифа биз, депутатларнинг зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Мен, ўзбек-венгер стратегик ҳамкорлиги келгусида икки халқни бир-бирига янада яқинлаштириш, турли соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш, мамлакатимиз тараққийетини юксалтиришга хизмат қилади.

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

СТРАТЕГИК ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ ШЕРИКЛИК

Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг Ўзбекистонга расмий ташрифи халқаро экспертлар ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотди.

Илгар ВЕЛИЗАДЕ, “Жанубий Кавказ” сиёсатшунослар клуби раҳбари (Озарбайжон):



— Венгрия ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар барқарор динамикаси билан ажралиб туради. Мазкур алоқалар барча соҳаларда кенгайиб ва чуқурлашиб бормоқда. Будапешт ва Тошкентни нафақат умумий сиёсий ва иқтисодий манфаатлар, балки тарихий илдизларнинг яқинлиги ҳам бирлаштиради.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Венгрия ўз минтақалари харитасида фаол сиёсий етакчилар бўлиб, Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги мулоқотни ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда. Бунинг ёрқин намунаси савдо айланмасининг ўсиши бўлиб, мазкур кўрсаткич, эпидемиологик вазиятга қарамадан, 2020 йил якуни бўйича 45 фоизга кўпайди. Қишлоқ

хўжалиги, озиқ-овқат sanoati, фармацевтика ва иқтисодийнинг бошқа соҳаларида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Таълим, маданият ва туризм йўналишидаги алмашинувлар кенгаймоқда.

Венгрия Бош вазирининг ташрифи, шубҳасиз, икки томонлама ҳамкорлик қўламини кенгайтиришга ёрдам беради. Мулоқотлар давомида энергетика, таълим, маданият, минтақаларо ҳамкорлик ва иш билан таъминлаш бўйича 10 га яқин ҳужжат имзолангани бежиз эмас. Ушбу ҳужжатларнинг барчаси икки давлатнинг ўзаро муносабатлари ривожига қўшимча туртки беради, Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги алоқаларнинг муҳим омилига айланади.

Фернандо МОРАГОНА, Евроосиё тадқиқотлари маркази директори, Ўзбекистон ва Испания ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш ассоциацияси раҳбари:



— Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг Ўзбекистонга расмий ташрифи доирасида бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар Ўзбекистон — Венгрия муносабатларида муҳим воқеа бўлди.

Мен, айниқса, Венгрия Бош вазирининг расмий ташрифи доирасида Ўзбекистон — Венгрия Ишбилармонлар кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтганини таъкидлашни истардим. Унда Венгриянинг 40 га яқин компания ва молиявий тузилмаси раҳбарлари қатнашди. Бу, авваламбор, ўзаро ҳамкорликда иқтисодий йўналиш устуворлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда қисқа муддат ичида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар, шунингдек, мамлакатнинг очик, амалий ва прагматик

ташқи сиёсати икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқалар ва узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш учун янги истиқболларни очди. Венгрия Бош вазирининг расмий ташрифи бунинг ифодасидир.

Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги муносабатлар ҳақида гапирганда, менимча, уларда янги давр бошланмоқда, дейишга тўла асосимиз бор. Икки давлат ўртасида имзоланган ва кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган ҳужжатлар тўғрисида Ўзбекистон — Венгрия ҳамкорлиги стратегик ва узоқ муддатли шериклик даражасига кўтарилганини намоиш этмоқда.

“Дунё” АА

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

КАРТОШКАЧИЛИК ИЛМИЙ МАРКАЗИ

2024 йилда 21 минг тонна уруғлик маҳсулот етиштириш, импорт ўрнини тўлиқ қоплаш имконини беради

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Бундан беш-олти йил олдин қишлоқ хўжалиги соҳаси инновацион йўналишлардан бирига айланиб, оддий деҳқончилик ишлари ҳам замонавий илм-фан асосида амалга оширилади, деса, тўғриси, бунга аксарият одам ишонмасди. Аммо бугун ерга ишлов беришдан тортиб, маҳсулот етиштиришгача бўлган жараёнларни илгор технологиялар асосида олиб бораётган деҳқон ва фермерлар мисолида соҳада катта ўзгаришлар рўй бераётганига бевосита гувоҳ бўляпмиз.

Айниқса, сўнгги йилларда тармоқда илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашиши натижасида ташкил этилаётган илмий марказлар, тадқиқот институтлари юртимизда жаҳон стандартларига мос қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва катта ҳажмда хорижга экспорт қилишга йўл очмоқда. Бир пайтлари озиқ-овқат маҳсулотларимизни писанд қилмай, уларга чеклов қўйган давлатларнинг ўзи бугун уларга харидор бўляпти.

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида ташкил этилган Ўзбекистон — Венгрия Картошқачилик илмий маркази халқаро ҳамкорликнинг яна бир маҳсулидир. Жорий йил 30 март куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Венгрия Бош вазири Виктор Орбан билан ушбу марказга ташриф бурунги бежиз эмас. Боиси, Урта Осиёда ягона бўлган марказ ҳар икки мамлакат учун аҳолининг асосий озиқ-овқат маҳсулотларидан бири бўлган картошка етиштириш ҳажмини бир неча баробарга ошириб, унинг янги ва сифатли навларини яратиш йўлидаги катта имкониятдир.

Илмий муассаса Венгрия қишлоқ хўжалиги ва табиий фанлар университети билан ҳамкорликда Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими негизда ташкил этилди. Бу ерда венгриялик олимлар билан доимий ҳамкорлик олиб борилди. Хозирча марказ фаолиятини йўлга қўйиш учун Венгриядан 4 нафар илмий ходим тақдир этилган.

Картошка кундалик истеъмол маҳсулоти бўлгани боис, унинг сифатли ва арзон бўлиши ҳар бир оила фаровонлигига таъсир қилади. Аммо икки

бозор талабини қондириш учун катта миқдорда уруғлик зарур. Юртимизга истеъмол учун 200-300 минг тонна, уруғлик учун 17 минг тонна картошка четдан келтирилишини инобатга олсак, ушбу экинни етиштириш ҳажмини ошириш, янги навларини яратиш зарурати нечоғлиқ муҳимлиги янада аққолроқ намоён бўлади.

— Аҳолига етарли миқдорда картошка етказиб бериш асосий муаммоли масалалардан бири ҳисобланади, — дейди Қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари, Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази бош директори Алишер Тўраев. — Бир киши бир йилда тахминан 100 килограмм картошка истеъмол қилиши зарур, деб оладиган бўлсак, юртимизнинг 35 миллионга яқин аҳолисини картошка билан таъминлаш учун 4-5 миллион тонна маҳсулот етиштиришимиз керак бўлади. Бунинг учун бизга сифатли, вируслардан излашга тўри келади. Шундай шароитда бизга венгерларнинг вирусга чидамли картошка навларини ўзимизда таъминлашга қўйиш, исталган ерларда етиштириш мақсадга мувофиқ ва қулай ҳисобланади. Шу сабабли, Венгрия технологияси ёрдамида картошка уруғларини етиштириш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйдик.

Янги марказ Венгриядан келтирилган навларни синовдан ўтказиш ва уруғлик картошка ишлаб чиқариш

билан шуғулланади. Бу ерда маҳаллий ва хорижий навларни частиштириш орқали картошка етиштиришнинг барча босқичларида сифатни таъминлашга қаратилган комплекс тизим ишлаб чиқилади. 50 дан ортиқ навлар маҳаллийлаштирилиб, унинг генофонди яхшиланади.

Илмий марказда “in vitro”, ўсимликлар патологияси, картошкани сақлаш физиологияси, сифат назорати бўйича лабораториялар ташкил этилган. Намуналар тайёрлаш, етиштириш ва сақлаш хоналари замонавий жиҳозланган. Бу ерда йўлга қўйилган инновацион усуллар самарасида 2021-2023 йилларда ҳосилдорлиқни 30-50 фоизгача ошириш, 2024 йилга бориб, 21 минг тонна уруғлик картошка етиштириш, бу борадаги импорт ўрнини тўлиқ қоплаш мўлжалланган.

Марказда 160 дан ортиқ хизматлар кўрсатилади

Ўзбекистон — Венгрия Картошқачилик илмий марказининг Агрохизматлар маркази ичида иш бошлагани замирида ҳам катта маъно бор. У юртимиз агротизимдаги йирик лойиҳалардан бири саналади. Дунёнинг ривожланган давлатларидагина мавжуд бўлган бундай агрохизматлар маркази қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ҳамда фермерларни бир ерга жамловчи нуқтага айланиши кутилмоқда. Марказнинг асосий мақсади — олий ўқув юртиларига хос замонавий билим ва ишланмаларни фермерларга етказиб, энг зарур йўналишда бўйича хизмат кўрсатишдан иборат. Бундан ташқари, бакалавр ва магистрлар амалиёти, илмий кадрлар тайёрлаш бўйича ҳам ҳамкорлик, мутахассис ва фермерлар ўртасида малака ошириш амалиёти йўлга қўйилиши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги мутахассис ва мутасаддилар билан мулоқоти чоғида кадрлар тайёрлашни кенгайтириш, деҳқон ва фермерларни ўқитиб, соҳадаги ютуқларни барча худудларга етказиш зарурлигини таъкидлади.

Меҳмонлар фермерлар учун ташкил этилган, юртимиз қишлоқ хўжалигида қўлланилаётган техника ва технологияларни ҳам кўздан кечирди.

Янги муассаса учта асосий йўналишда иш олиб боради. Биринчиси, таълим йўналиши бўлиб, у илм-фан ва ишлаб чиқаришни бир-бирига боғловчи кўприк вазифасини ўтади. Яъни унда фермерлар учун турли семинар, тренинглар ташкил этиш орқали уларнинг малакасини ошириш, ўз соҳаси бўйича зарур билимларни бериш йўлга қўйилади. Малакали мутахассислар ўтадан дарслар орқали фермер хўжаликларининг янги технологияларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаб, уларга бу борада зарур ёрдамларни кўрсатиш имкони юзага келади.

Иккинчи йўналиш тадқиқотлар қисмидаги асосий жараёнлар илмий-тадқиқот институтлари билан боғланган ҳолда, бу борадаги ишларни бевосита фермерларга кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини янги инновацион технологиялар билан таништиришдан иборат. Мазкур жараёнда илмий-тадқиқот институтлари вакиллари бевосита иштирок этиб, фермерларга ўз маслаҳатларини бериб боради.

Учинчи йўналиш агрохизматлар марказининг асосий қисми ҳисобланади. Унда давлат ва хусусий сектор хизматлари каби қисмларга ажратилади. Давлат хизматлари бўлимида сабзавотчилик, гидрорегуляция, геоахборот тизимларидан фойдаланиш, фермерларга имтиёзли кредитлар ажратиш бериш, ўрмончилик, чорвачилик, паррандачилик, карантин ва ўсимликларни зарарсизлантириш каби 17 та йўналишда 160 дан ортиқ хизматлар тақдир этилади. Бу ерда талабдорларга ягона дарча принципи асосида хизмат кўрсатилади. Деҳқон, фермер ёки шу соҳада энди иш бошлаш истагидаги ҳар қандай инсон агрохизматлар марказига келиб, тупроқ таҳлили ишларидан тортиб, ўсимликларни зарарқундандалардан ҳимоя қилишгача бўлган барча масалаларда мутахассислардан зарур маълумотларни олиши мумкин бўлади.



— Хизматлар қисмининг хусусий секторига қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият олиб бораётган энг йирик компаниялар жалб этилади, — дейди Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи Шухрат Омонов. — Айни пайтда АҚШ, Австрия, Россия, Туркия, Германия, Жанубий Корея ва бошқа хориж давлатларининг фаолиятида уруғчиликдан тортиб, то маҳсулот экспортгача бўлган жараённинг бутун бир занжирини қамраб олган 19 та йирик компания билан иш олиб бораёпмиз. Шунингдек, марказда агромакетда фермер хўжаликларига аграр соҳада зарур бўладиган барча маҳсулотларни шу ернинг ўзидан харид қилиши мумкин.

Бозорга сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб беришнинг асосий шартларидан бири — замонавий лабораториялар фаолиятини йўлга қўйиш саналади. Хозирги вақтда агрохизматлар марказида ўсимликларни ҳимоя қилиш, тупроқ ва ўғитлар таҳлили, ветеринария, озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва янги стандартларини жорий этиш, уруғчилик бўйича 5 та лаборатория ишлаб турибди.

Шу билан бирга, фермерларга технологияларнинг афзалликларини шу ернинг ўзиде кўрсатиб бериш мақсадида демо, яъни тажриба майдончаларини ташкил этиш кўзда тутилган. Бу ерда ҳар бир компания, илмий-тадқиқот институти ўз маҳсулоти ёки тажриба намунасини бевосита дала шароитида намоиш этади. Масалан, уруғнинг нави, унинг тупроқ-иқлим шароитига таъсири, далада суғориш технологияларини ўрнатиш жараёни тажриба майдонларида кўрсатиб берилади. Фермер маҳсулот билан танишгач, унга маълум келсагина, харид учун буюртма беради.

Агрохизматлар марказида яратилаётган бундай кенг имкониятлар Юқори Чирчиқ туманидаги “Абдурамажид Боб” кўп тармоқли фермер

хўжалиги раҳбари Абдор Абдумажидов сингари фермерларга қулайлик яратиб, иш жараёнида янги технологияларни қўллаш ҳисобида ҳосилдорликни оширишга эришилади. 18 йилдан буён фермерлик қилиб келаётган Абдор ака мавжуд 110 гектар майдоннинг 26 гектарида картошка етиштирилади. Йилга ўртача 26-27 тонна ҳосил олаётган фермер ҳар мавсумда ерга, асосан, картошканинг Нидерландиядан олиб келинадиган фалюка, санта навлари уруғини қадайдди. Улар орасида картошканинг хорижий навларидан анча арзон, бироқ иқлим шароитига чидамли бўлган маҳаллий “Зухра” нави ҳам бор. Бироқ юртимиз бозорига Нидерландия ва Россияда етиштирилган картошка навларига талаб юқори бўлгани боис, фермер кўпроқ уларни экади.

— Мамлакатимизда картошка уруғи нисбатан камроқ бўлгани боис, қиммат бўлса-да, хорижийни олишимизга тўғри келади, — дейди Абдор Абдумажидов. — Венгриядан янги нав олиб келингани, сифати яхшилигини эшитиб, уни ҳам синиб кўришга қарор қилдик. Ўзбекистон — Венгрия Картошқачилик илмий марказининг очилиши биз, фермерлар учун қувончли воқеа. Чунки картошка навлари қанча кўп бўлса, танлов имконияти ва рақобат шунча ортади. Айниқса, картошка навларининг маҳаллийлаштирилиши маҳсулот нархининг тушишига олиб келади. Бундан ташқари, ушбу марказнинг очилиши узоғимизни яқин қияпти. Авваллари экин дорилари, уруғликлар олиб келиш учун оғир хужудларга катнардик. Эндигида барча зарур нарсаларни шу ернинг ўзидан олишимиз мумкин. Соҳа мутахассислари, ҳатто лизинг бериувчи ташкилотлар ҳам олдимизга келди. Бу эса иш унумдорлигимизни ошириб, ҳам вақтимизни, ҳам нақдимизни тежайди.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ОРОЛЬЎЙИ МИНТАҚАНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ НУҚТАСИГА АЙЛанаДИ

Сўнгги йилларда Президентимиз томонидан Орол денгизининг қуриши натижасида минтақада юзага келган ижтимоий-иқтисодий, экологик муаммоларни бартараф этишга жиддий эътибор қаратилмоқда.



Борис АЛИЕВ, Олий Мажлис Сенати Орольўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси



қуриган тубидан қум ва чанг кўтарилишининг олдини олишни таъминлайди. Бундан ташқари, ҳайвонот олами турли вақтларнинг кўпайиши ва тарқалиши учун қулай экотизим шаклланди, чўл ўрмонлари майдони ва биохилма-хилликнинг кенгайиши минтақада иқлим ўзгаришини юмшатишга шароит яратди.

Президентимизнинг 2020 йил 11 ноябрдаги "2020-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ушбу йўналишдаги ишларни янада ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Сўнгги уч йил ичида Оролнинг қуриган тубида ўрмонзорлар барпо этиш бўйича дунёда муқобили бўлмаган ишлар жадаллик билан олиб боришмоқда.

ҳамда енгилликлар тақдим этилиши кўзда тутилган. Маълумот ўрнида қайд этиш жоизки, ушбу қарор асосида 2788 та лойиҳа ва объектда 21 триллион 209 миллиард сўмлик кенг қўламли ишлар бажарилиши режалаштирилган.

Минтақадаги янгиланишлар ҳақида гап кетганда, Президентимизнинг 2020 йил 5 декабрдаги "Қорақалпоғистон Республикасида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳақида ҳам алоҳида тўхталаш жоиз.

Бу борада Қорақалпоғистон Республикасида сув ҳўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, сувни тежайдиган сўғриш технологияли жорий этиш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, сув ресурслари ва электр энергиясидан фойдаланишнинг автоматлашган назоратини йўлга

қўйиш билан боғлиқ муҳим вазифалар белгиланган. Бундан ташқари, илм-фан янгиланган ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш орқали сув йўқотишларини камайтириб қаналарнинг фойдали иш коэффициентини ошириш ҳамда сўғриладиган ер майдонларини сув билан ишончли таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Сенат томонидан Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирларининг ижроси устидан таъсирчан парламент назоратини амалга ошириш чоралари қўрилмоқда. Бу йўналишда доимий асосда фаолият юритувчи идораларро ишчи гуруҳ шакллантирилди. Мазкур ишчи гуруҳ Президентимизнинг қарорларида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини назорат қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган дастурлар, лойиҳалар ижроси устида бугунги кунда парламент ва жамоатчилик назорати ўрнатилган. Бу борада қўриқ палата томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари салоҳиятидан фойдаланишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Албатта, бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси, аввало, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Қолаверса, халқимизнинг давлат сиёсатида рози бўлиб ислохотлар жараёнида фаол иштирок этишига замин яратди. Шу боис, бу хайрли ишларни тизимли давом эттириш, амалга ошириладиган ҳар бир лойиҳанинг натижасини аҳоли ўз ҳаётида яққол ҳис этиши учун доимий ўрғаниш ва мониторинг ишларини юритиш парламентнинг доимий эътиборида бўлади.

ФАРМОН ВА ИЖРО

Экспертларнинг фикрига кўра, дунё бўйича бюрократия қоидаларга риоя этишга сарфланадиган харажатлар жаҳон ЯИМнинг 17-20 фоизини ташкил этади. Бюрократия ҳар қандай жараёни, ҳатто энг жадал ислохотларни ҳам тўхтатиб қўя олувчи куч эканини ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатмоқда.

Бюрократик тўсиқларни бартараф этишнинг муҳим ҳуқуқий асоси




Худоёр МЕЛИЕВ, адлия вазирини ўринбосари

Мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда бу йўналишда муҳим ислохотлар амалга оширилмоқда. Замон талабидан келиб чиқиб қонунчилик асослари такомиллаштирилди. Жамиятимизда очкилик, ошқоралик муҳитини кучайтириш, давлат хизматларини ривожлантириш, барча соҳаларга ахборот технологияларини кенг жорий этишга эътибор қўйилди.

Президентимиз томонидан 2021 йил 23 мартда имзоланган "Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу йўналишда яна бир муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш масаласига Адлия вазирлиги ҳам ўз фаолиятининг устувор вазифаларидан бири



сифатида эътибор қаратиб келмоқда. Бу йўналишда илғор хорижий тажрибалар ўрганилиб, ҳуқуқий механизмлар такомиллаштирилмоқда.

Бюрократияга қарши курашишда қонун ижодкорлигининг алоҳида ўрни бор. Бу борада бирор-бир гоё лойиҳа шаклида алоқадор вазирлик ва идораларга қиритилар экан, уни ҳимоя қилиш, мутахассисларни ишонтира олиш жуда муҳим. Энди тасаввур қилинг, лойиҳанинг ўша вазирлик ва идораларда мавжуд бўлган, лекин аслида кераксиз, идоравий манфаатга хизмат қиладиган, коррупциявий хатари бор ваколат ва тартиб-тамоийларни бекор қилишни тақлиф этиясиз. Улар буни қандай қабул қилади? Бундай вазиятда қарор қабул қилувчининг позицияси, иродаси ўта муҳим аҳамиятга эга.

Бюрократияга қарши курашиш, уларни қисқартириш нима учун зарур? Жавоби кундек равшан бўлса-да, аниқроқ тасаввур қилиш учун айрим маълумотларга тўхталсак. Жаҳон банки тадқиқотларига кўра, ҳозир Ўзбекистонда йирек корхоналар раҳбарлари иш вақтининг 31 фоизи, кичик корхоналар раҳбарлари иш вақтининг 26 фоизи бюрократик масалаларни ҳал қилиш, давлат органлари ҳамда ҳокимликлар билан муносабатларга киришиш учун сарфланаётгани қайд этилган. Ваҳоланки, ушбу вақт самаралироқ тўхта, масалан, ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайтириш, иш самарадорлигини ва корхоналар тушумини ошириш масалаларига сарфлангани мумкин эди.

Президентимизнинг юқорида қайд этилган фармони бу муаммолар ечимини йўлга яна бир дадил қадам бўлди. Унда маъмурий тартиб-тамоийларда аҳоли, тадбиркорлик субъектларининг манфаатларига кўпроқ хизмат қиладиган муҳим қоидалар қамраб олинган. Фармон ўз мазмун-моҳиятига кўра, бюрократияга қарши кураш борасидаги ишларнинг иккинчи босқичини бошлаб беради. Президентимизнинг 2019 йил 9 декабрда қабул қилинган "Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу йўналишдаги ишларнинг биринчи босқичига асос бўлган эди. Ушбу қарорнинг ижроси таҳлил қилинганда,

давлат билан фуқаролар ва бизнес ўртасидаги аҳамиятини йўқотган тартиб-тамоийларни янада соддалаштириш эҳтиёжи мавжудлиги аён бўлди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб қабул қилинган фармон билан ушбу ҳолатларга барҳам бериш, давлат хизматлари кўрсатиши янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор принципиал янгиланишлар, қоидалар жорий этилмоқда.

Хусусан, 130 дан ортиқ маъмурий тартиб-тамоийлар енгиллаштирилмоқда, давлат органлари томонидан 460 дан зиёд қонун ҳужжатларида кўрсатилган 18 турдаги ҳужжатлар ва маълумотларни фуқаролардан талаб қилиш бекор қилинмоқда. Эндиликда давлат органлари бу ҳужжатларни ваколатли давлат ташкилотидан (10 та ташкилот) "Электрон ҳуқуқ" платформаси орқали олиши зарур. Натижада йилга ўртача 1,5 миллиондан ортиқ фуқаро ортиқча овозгарчиликдан халос бўлади ва уларнинг 22 миллиард сўмдан ортиқ маблағи тежаланиб ҳамда ушбу маблағлар фуқароларнинг ўзида қолишига эришиши прогноз қилинмоқда.

Масалан, биргина наркология диспансери ҳисобида туриши ёки турмаслиги бўйича маълумотнома олишда 276 миңдан ортиқ фуқаронинг ҳам вақти, ҳам нафди тежаланиб, фуқароларнинг руҳий касаллиги ҳақида маълумотнома олишда ҳам шундай қулайлик туғилмоқда. Эндиликда бу ҳужжат ҳам электрон йўл билан олиниши натижасида 300 миңга яқин фуқаро ортиқча овозгарчиликдан халос бўлади ва уларнинг 4,5 миллиард сўм маблағи тежаланиб.

Фуқаролардан давлат ташкилотлари талаб қилиши мумкин бўлмаган ҳужжатлар рўйхатида шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси, шахсининг белгиланган шаклдаги фотосурати, меҳнат дафтраси ва уларнинг нусхалари қабул қилинган бўлади.

Биз бугунги кунда давлат хизматлари соҳасини тубдан ислох қилишда "Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади" деган принципини эълон қилиб, амалда ижросини таъминлашга ҳаракат қиладиган эдик. Эндиликда янги — "Фуқаролар эмас, давлат органлари ҳаракатланади" принципи лойиҳаси устида ишлаб, фуқароларга имкон қадар виртуал давлат хизматлари кўрсатиш бўйича бош қўтирмақдамиз. Эро, бу пандемиянинг давлат хизматларига қўйган қақирқларидан бири бўлди.

Шунингдек, 28 турдаги давлат хизматлари натижасини фуқаролар ва тадбиркорлар ўзларининг хоҳишига кўра, почта орқали олиши мумкин. Почта хизматининг жорий этилиши аҳоли харажатларини камида 2 бараварга қисқартиришга, аҳолининг давлат органларига бир неча мартаба овоза бўлиб келиб-кетишининг олдини олишга хизмат қилади.

Фармонга кўра, 2021 йил 1 майдан бошлаб хорижга чиқиш учун биометрик паспортни Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилиб олиш мумкин бўлади.

Фуқароларнинг эътирозига сабаб бўлаётган яна бир муаммо жамғариб бориладиган пенсия тизимига ҳисобга қўйиш билан боғлиқ эди. Аниқ рақамларга тўхталадиган бўлсак, 2020 йилда давлат хизматлари марказларига 338,7 миң нафар фуқаро жамғариб бориладиган пенсия тизимига ҳисобга қўйиш бўйича мурожаат қилган. Эндиликда бу тизим ҳам соддалаштирилмоқда. Яъни жорий йил 1 июндан бошлаб 16 ёшга тўлган шахсларга ID-карта беришда улар бир вақтининг ўзида солиқ органларида солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйилади ва жамғариб бориладиган пенсия тизимига рўйхатдан ўтказилади.

Фармон билан жисмоний шахсининг шахсий идентификация рақами барча давлат, банк, ижтимоий ва бошқа хизматларни кўрсатишда фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ягона идентификация рақами билан, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан жисмоний шахсларни идентификация қиладиган алоҳида рақамларни юритиш таққилини белгиланди. Мазкур тартибнинг амалга оширилиши нафақа коррупция ва бюрократияга қарши муҳим аҳамиятга эга, балки статистика аниқ бўлиши, ижтимоий сиёсатнинг манзиллигини таъминлашга ҳам иқобий таъсир қилади.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг асосий иштирокчиларидан бири юридик шахслар ҳисобланади. Уларнинг ташкил этилиши, рўйхатдан, қайта рўйхатдан ўтказилиши ҳуқуқий муносабатларда муҳим мазмунга эга. Бу жараён қанчалик пухта тартибга солинса, турли низоларнинг олди олинади. Мазкур жараёни тартибга солишда ягона ёндашувларни ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш зарур. Фармон билан Давлат хизматлари агентлиги юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича ягона ваколатли орган этиб белгилангани ушбу бўшлиқни тўлдирди.

Адлия вазирлиги давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, маъмурий тартиб-тамоийларни мақбуллаштириш йўналишида ана шундай кенг қамровли, чуқур изланиш ва ўрганишларни давом эттиради. Бу йўналишдаги ишларда кенг жамоатчилик ҳам фаол иштирок этиши имконига эга.

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ

МАҲАЛЛА — ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ МАСКАНИ



Дилдора БОЗОРОВА, Тошкент давлат юридик университетини профессор вазифасини бажарувчи, юридик фанлар номзоди

Бунда ички ишлар органларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда жамоат тартиби сақланишини, фуқаролар хавфсизлигини, жиноятчиликка қарши курашишни бевосита таъминлайдиган профилактика инспекторларининг ўрни катта.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятни йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунчиликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва оқсоқиллигини таъминлаш устувор аҳамият касб этади.

2021 йил 26 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармонда ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ташкил этилиши белгиланди. Таъкидлаш жоизки, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ҳудуддаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашнинг асосий қуйи бўғини ҳисобланади.

Маскан негизда ҳудуддаги ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари ҳамда Миллий гвардия ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолияти ташкил этилади.

Шунингдек, маскан томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторига юкланди.

Тизимга рақамли технологияларни қўллаш ва аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида, профилактика инспекторларига масофадан туриб мурожаат қилиш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш имконини берувчи "Smart маҳалла" дастури ишлаб чиқилмоқда.

Амалга оширилаётган ишлардан келиб чиқиб, жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани профилактика инспекторлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш юзасидан баъзи тақлифларни илгари сурмоқчиман. Жумладан, ҳудудий давлат органлари томонидан профилактика инспекторларига уларнинг ваколатига кирмайдиган масалалар юзасидан топшириқлар берилишини чекловчи ва бундай ҳолатлар юзасидан тегишли жавобгарлик чораларини назарда тутувчи қонунчиликни такомиллаштириш зарур. Бундан ташқари, профилактика инспекторларидан ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларни содир этиш сабаблари ва шарт-шароитларини чуқур таҳлил қилиш, аниқлаш ва бартараф этиш бўйича назарий ва амалий кўникмаларини янада ривожлантириш ва бу бўйича ҳудудий ички ишлар тузилмаларида махсус ўқув курсларини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда иқобий натижаларга ҳамда криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилашга эришилмоқда.

ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИ

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ МАНБАИ



Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугун электр энергиясиз ҳеч бир мамлакат тараққиётини тасаввур этиб бўлмайди. Иқтисодий ўзати саналган йирик ишлаб чиқариш корхоналарини ҳаракатлантирувчи куч ҳам электр энергияси саналади. Ҳатто кундалик турмушимизда, хусусан, уйда ёки ишхонада қулай шароит яратиб берадиган ўта зарур воситага айланган.

Электр энергияси ишлаб чиқариш манбалари сони охири бораётганига қарамадан, жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистонда ҳам соҳанинг энг “огир юки”ни иссиқлик электр станциялари торттиб келмоқда. Айни пайтда республикамизда ишлаб чиқарилаётган жами электр энергиясининг 85 фоизи иссиқлик электр станциялари ҳиссасига тўғри келади.

Таъкидлаш жоизки, ўзининг бутун тарихи давомида мамлакат энергетика тизими узок, деярли асрлик йўлни босиб ўтди, унинг ҳар бир босқичи янги технологияларни ривожлантириш ва соҳа салохиятини муттасил ошириб бориш билан белгиланди.

Ўтган йиллар давомида соҳада фақат таъмирлаш ишлари билан чекланиб қолганлиги, янги қувватларнинг ишга туширилмаганлиги кўплаб муаммоларни юзга келтирди. Бир қатор ҳудудларда электр энергияси таъқиллиги юзга келгани ҳам бор гап. Муттасилларнинг таъкидлашича, электр энергиясига бўлган талабнинг ортиши, мавжуд қувватларнинг катта босим остида ишлай олишида авария ҳолатлари кузатилди.

2017 йил ўтказилган таҳлилларга кўра, ривожланган давлатларда 1 киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш учун 240-260 грамм ёқилғи ишлатилган бўлса, мамлакатимиздаги айрим станцияларда бундан икки баробар кўп ёқилғи сарфланган.

“Иссиқлик электр станциялари” АЖнинг асосий вазифаси электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришни таъминлаш, юртимизнинг энергетик хавфсизлигига эришиш, иқтисодий тармоқлари ва аҳолининг электр энергиясига ортиб бораётган эҳтиёжларини қондириш мақсадида мамлакатимизда юритилаётган энергетика сиёсатини амалга оширишдан иборат. Ўз навбатида, Президентимизнинг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат ишторикдаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтарганини алоҳида қайд этиш зарур.

Шунингдек, бугунги кунда “Иссиқлик электр станциялари” АЖ фаолиятининг устувор йўналишларидан бири, бу — модернизация дастурларини амалга ошириш, ишлаб чиқарувчи қувватларни замонавий асбоб-ускуналар ва илғор технологиялар асосида, шу жумладан, хорижий инвестициялар ҳисобига реконструкция қилиш, замонавийлаштириш, техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратилдан иборат.

2020 йилда юртимиздаги иссиқлик электр станциялари томонидан 60, 75 миллиард кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқарилди. Бу

жумладан, Президентимизнинг 2017 йил 11 сентябрдаги “Тахياتош ИЭСда 230-280 МВт қувватга эга иккита буғ-газ қурилмаларини қуриш” инвестиция лойиҳасини амалга оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикасидаги Тахياتош иссиқлик электр станциясида ҳар бирининг қуввати 280 МВт бўлган иккита буғ-газ қурилмасини қуриш инвестицион лойиҳаси амалга оширилди. Ушбу буғ-газ қурилмасининг ишга туширилиши Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти истеъмолчиларининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки, янги жорий этилаётган иккита буғ-газ қурилмасининг ишга туширилиши билан станциянинг ўрнатилган қуввати 630 МВт. дан 1190 МВт. гача ошади. Йиллик ишлаб чиқариладиган электр энергияси микдори 3,0 миллиард кВт.соатдан 3,6 миллиард кВт. соатга етказилади. 1 кВт.соат электр энергиясини ишлаб чиқариш учун сарфланадиган шартли ёқилғи микдори 164,3 грамм кВт.соатга камаёди. Бу билан бир йилда 488,6 миллион кубометр табиий газ тежаллишига эришилади.


Бугунги кунда 280 МВт. қувватга тенг 1-буғ-газ қурилмаси энерготизимга улашиб, тест синов тартибда тўлиқ қувватда ишламоқда, — дейди корхона буғ-газ қурилмаси цехи бошлиғи Анвар Сапарбоев. — 2-буғ-газ қурилмасида барча қурилиш ишлари якунланган, қурилманинг тўлиқ қувватда ишлатилиши таъминлаш учун хорижий мутахассислар билан биргаликда синаш-созлаш ишлари амалга оширилмоқда.

“Яшил иқтисодий” доирасида кўз бораётган ривожланишнинг янги босқичи стратегик вазифаларни жорий этишда замонавий, самарадор ва тежамкор технологияларни фаол қўллашни кун тартибига қўймоқда. Улкан ишшоотни барпо этишда бош пудратчи бўлган Корейнинг “Hyundai” консорциуми жаҳоннинг 13 та турдош нуфузли компанияси иштирокида худди шу талаблардан келиб чиққан ҳолда қурилиш ишларини олиб борди.

Станция йилга 3,6 миллиард кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Унинг бир кВт.ни ҳосил қилиш учун айни пайтда 430 грамм кВт. соат ёқилғи сарфланаётган бўлса, янги қурилмада бу микдор 250 грамм кВт. соатни ташкил этади ва бу, ўз навбатида, йилга 488,6 миллион кубометр “зангори олов”ни тежаш имконини беради. Фойдали иш самарадорлиги ҳозиргига нисбатан қариб 70 фоизга ортгани ҳолда, хавони ифлос қилувчи чиқиндилар йилга 741 тоннага, ис газининг микдори айни пайтдаги 972 минг тоннадан 216 тоннага камаёди.

Энергетика вазирлиги томонидан тасдиқланган “2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг электр энергияси билан таъминлаш концепцияси”га биноан, 2030 йилгача иссиқлик электр станцияларининг маълум қисми томонидан 70 миллиард кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқарилади, шу билан бирга, уни ишлаб чиқаришга табиий газ ҳозиргига нисбатан кам сарфланади.

Айни пайтда мамлакатимиз энергетика sanoatини ривожлантиришнинг янги босқичида — замонавий, энергия тежайдиган технологияларни



жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада сўнги йилларда дунёнинг бир қатор етакчи мамлакатлари — Япония, Америка ва Европанинг энергетика соҳасидаги йирик компаниялари тажрибаси ўрганилди. Шу аснода мамлакатимизда энг янги, самарадор технологияларни жорий этишга фаол равишда киришилди.

Замонавий технологиялар асосланган янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш эвазига тизимда самарадор қурилмаларнинг улуши 40 фоизга етди. Қисқа фурсатларда 1 кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқаришда ёқилғи сарфини камайтириш бўйича сезиларли натижаларга эришилди.

Жумладан, Президентимизнинг 2017 йил 11 сентябрдаги “Тахياتош ИЭСда 230-280 МВт қувватга эга иккита буғ-газ қурилмаларини қуриш” инвестиция лойиҳасини амалга оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикасидаги Тахياتош иссиқлик электр станциясида ҳар бирининг қуввати 280 МВт бўлган иккита буғ-газ қурилмасини қуриш инвестицион лойиҳаси амалга оширилди. Ушбу буғ-газ қурилмасининг ишга туширилиши Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти истеъмолчиларининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки, янги жорий этилаётган иккита буғ-газ қурилмасининг ишга туширилиши билан станциянинг ўрнатилган қуввати 630 МВт. дан 1190 МВт. гача ошади. Йиллик ишлаб чиқариладиган электр энергияси микдори 3,0 миллиард кВт.соатдан 3,6 миллиард кВт. соатга етказилади. 1 кВт.соат электр энергиясини ишлаб чиқариш учун сарфланадиган шартли ёқилғи микдори 164,3 грамм кВт.соатга камаёди. Бу билан бир йилда 488,6 миллион кубометр табиий газ тежаллишига эришилади.

Бугунги кунда 280 МВт. қувватга тенг 1-буғ-газ қурилмаси энерготизимга улашиб, тест синов тартибда тўлиқ қувватда ишламоқда, — дейди корхона буғ-газ қурилмаси цехи бошлиғи Анвар Сапарбоев. — 2-буғ-газ қурилмасида барча қурилиш ишлари якунланган, қурилманинг тўлиқ қувватда ишлатилиши таъминлаш учун хорижий мутахассислар билан биргаликда синаш-созлаш ишлари амалга оширилмоқда.

“Яшил иқтисодий” доирасида кўз бораётган ривожланишнинг янги босқичи стратегик вазифаларни жорий этишда замонавий, самарадор ва тежамкор технологияларни фаол қўллашни кун тартибига қўймоқда. Улкан ишшоотни барпо этишда бош пудратчи бўлган Корейнинг “Hyundai” консорциуми жаҳоннинг 13 та турдош нуфузли компанияси иштирокида худди шу талаблардан келиб чиққан ҳолда қурилиш ишларини олиб борди.

Станция йилга 3,6 миллиард кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Унинг бир кВт.ни ҳосил қилиш учун айни пайтда 430 грамм кВт. соат ёқилғи сарфланаётган бўлса, янги қурилмада бу микдор 250 грамм кВт. соатни ташкил этади ва бу, ўз навбатида, йилга 488,6 миллион кубометр “зангори олов”ни тежаш имконини беради. Фойдали иш самарадорлиги ҳозиргига нисбатан қариб 70 фоизга ортгани ҳолда, хавони ифлос қилувчи чиқиндилар йилга 741 тоннага, ис газининг микдори айни пайтдаги 972 минг тоннадан 216 тоннага камаёди.

Иссиқлик энергиясининг 139 минг Гкал.га ошиши ҳисобига қўшимча равишда 100 та мактаб, 200 та болалар боччаси, 10 та йирик корхона ва икки миллион аҳолини иссиқлик билан таъминлаш имкони яратилади.

Лойиҳа замонавий илғор технологиялар асосида Жанубий Корейнинг “Hyundai Engineering” ва “Hyundai Engineering & Construction” компаниялари консорциуми билан ҳамкорликда амалга оширилди. Бундан қўзланган асосий мақсад — истеъмолчиларни узлуксиз ва сифатли энергия билан таъминлаш, электр ва иссиқлик энергия ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ёқилғи ресурсларини тежаш ҳамда улардан самарали фойдаланишдан иборат.

— Бугунги кунда бош пудратчи томонидан қурилиш-монтаж ишлари тўлиқ бажарилди, — дейди “Тахياتош иссиқлик электр станцияси” АЖ раҳбари Фахриддин Халиллаев. — Лойиҳанинг умумий қиймати 678,2 миллион АҚШ доллари бўлиб, шундан 300 миллион АҚШ доллари Осие тараққиёт банкининг инвестиция маблағлари, 230,7 миллион АҚШ доллари Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг кредит маблағлари, 27,3 миллион АҚШ доллари “Ўзбекэнерго” маблағлари ва 120,2 миллион АҚШ доллари Ўзбекистон Республикасининг лойиҳани қўллаб-қувватлашдаги улуши ҳисобланади. Ўрнатилган ГТ (газ турбинаси) ва БТ (буғ турбинаси) асосий ускуналари Американинг GE компанияси томонидан ишлаб чиқарилган.



Бу ерда жами икки мингдан ортиқ муҳандис ва ишчи ходим жалб қилинган бўлиб, шундан бир ярим минг нафардан ортиқ маҳаллий ва 644 нафари хорижий мутахассислардир. Ускуналардан сифатли фойдаланиш ва ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлаш учун 65 нафар ёш мутахассис янги БТ қурилмаларини эксплуатация қилиш бўйича Навоий, Тошкент ва Талимаржон иссиқлик электр станциялари ўқув марказларида таълим олиб, сертификатга эга бўлди.

Лойиҳа ишга туширилиши натижасида бу ерда меҳнат қилаётган 750 нафар ишчи-хизматчи сағирга 100 нафар салоҳиятли ёш кадр келиб қўшилди. Ускуналар жаҳонга машҳур “General Electric”, “Hyundai” каби компаниялар томонидан етказиб берилди.

Шунингдек, “Hyundai Engineering” мутахассислари 2019 йилнинг сентябрь ойдан бошлаб “Тахياتош ИЭС”нинг янги энергоблокларини келажакда эксплуатация қилиш бўйича маҳаллий мутахассислар малакасини ошириш борасида назарий ва амалий машғулотлар ўтказиб келмоқда.

Лойиҳа доирасида Тахياتош шаҳри аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида умумий қиймати 19,8 миллиард сўм бўлган замонавий тиббий-диагностика маркази ва тикувчилик цехи биноси қурилиши якунланмоқда. Марказ ишга тушиши билан худуддаги “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”ги қиритилган 62 нафар фуқаро иш билан таъминланади.

Тахياتош иссиқлик электр станцияси истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб бериш бўйича ўтган йилда 3 миллиард 947 миллион кВт.соат энергия ишлаб чиқариб, режани 110 фоизга ошириб бажариш эвазига 410 миллиард 586 миллион 789 минг сўм соф фойда билан чиқишга эришди. Шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини пасайтириш борасида олиб борилган чора-тадбирлар натижасида электр энергия таннаҳри 99 155,7 миллион сўмга камайдди.

Корхонада инвестиция лойиҳаларининг ижросини таъминлаш билан бир қаторда инновацион, энергия тежамкор технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ўрнатиш бўйича ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди. Жумладан,

замонавий компьютер техникалари моддий-техник базаси янгиланиши билан бир қаторда локал сервер тармоғи ускунаси ҳам тўлиқ ишга туширилди. Корхона худудидаги маъмурий биноларга комплект қуёш панеллари ўрнатилди, бундан ташқари, қуёш сув иситиш қурилмалари ва ёриткич чироқларига сенсорли датчиклар ўрнатилиб, ёқилғи тежаллишига эришилди.

Келгусида корхонада рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали ортиқча сарф-ҳаражатларни камайтириш мақсадида, ҳар бир ускуна бўйича техник-иқтисодий кўрсаткичларни автоматик ҳисоблаш ва таҳлил қилиш, ишлаб чиқариш жараёнини доимий кузатиш ва сақлаш учун автоматлаштирилган тизимни яратиш мўлжалланмоқда. Шунингдек,

ресурсларни бошқариш тизимини ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш (ERP), “Taxiyatosh IES” АЖ нинг ишлаб чиқариш актив қувватига янги қурилган иккита буғ-газ қурилмасининг актив қувватини умумийлаштириш тизимини модернизация қилиш орқали Бош бошқариш шитига чиқаришга эришиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, таъмирлаш ва реконструкция қилиш учун зарур бўлган эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамда замонавий жиҳоз ва ускуналарни, электроника ва автоматикани таъмирлаш-созлаш, дастурий таъминотларни тақомиллаштириш зарур. Тасдиқланган локализация дастури бўйича йил давомида 224,9 миллион сўмлик махсулотни маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, таъмирлаш ва реконструкция қилиш учун зарур бўлган эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамда замонавий жиҳоз ва ускуналарни, электроника ва автоматикани таъмирлаш-созлаш, дастурий таъминотларни тақомиллаштириш зарур. Тасдиқланган локализация дастури бўйича йил давомида 224,9 миллион сўмлик махсулотни маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Бугун атроф-муҳит тозаланиши сақлаш, ўз фарзандларимиз ва келажак авлодларимиз соғлигини асраш, жамиятимиз раванки ва жонажон юртимиз ривожига илҳомий таъсир кўрсатадиган электр энергия таъминотидан оқилона фойдаланиш ва тежамкорлик маданиятини юксалтириш масалаларига онгли муносабатда бўлишни ҳаётнинг ўзи талаб қилапти.

Кўпчилик ҳолларда истеъмолчилар электр узилтириларида шикоят қилади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу ўринда электр энергиясини ишлаб чиқарувчи, етказиб бериувчи ва тақсимловчи ташкилотлар электр таъминоти узилтирилган манфаатдор эмас. Аксинча, истеъмолчиларга етказиб берилмаган энергоресурслар ишлаб чиқаришда “йўқотилган фойда” ҳисобланади. Электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги тафовут тизимнинг ахлитолигига, барқарор фаолиятига салбий таъсир этганда, маълум техник шартлар асосида тармоқдан узиллар содир бўлиши мумкин. Бу жараён автоматик тарзда рўй бериб, тизимнинг кейинги барқарор фаолияти учун уни химоялаш шартли билан рўй беради.

Истеъмолчиларнинг тўлов эвазига электр энергиясидан фойдаланиш ҳуқуқидан ташқари энергиятежамкорлик ва энергиясамарадорлик масаласида маълум мажбуриятлари ҳам бор. Зеро, иқтисод қилинган газ ҳам, электр энергияси ҳам халқимиз бойлиги саналади.

ЖАРАЁН

ХУСУСИЙЛАШТИРИШДАГИ ЯНГИ ҚАДАМ

Президентимизнинг 2021 йил 11 февралдаги фармони асосида сотилиши белгиланган йирик давлат активларини оммавий савдоларга чиқариш бошланди

Рауф НУРУЛЛАЕВ,
журналист

Таркибий ислотларнинг муҳим йўналишларидан бири давлатнинг иқтисодий ёндашimini камайтиришга қаратилган. Президентимиз парламентга Мурожаатномасида давлат активларини очик-ошкора ва самарали сотиш учун халқаро молиявий ва ҳуқуқий маслаҳатчиларни



“Билдирсой” оромгоҳи

жалб этган ҳолда, қатор корхоналарни хусусийлаштиришга оид кен қамровли ишлар бошлаб юборилганини таъкидлар экан, жорий йилда Фаргона азот ва Деҳқонобод калий заводлари, “Кока-кола ичимлиги” корхонаси, “Билдирсой” ва “Чорвоқ” оромгоҳлари, “Ичан қалъа” меҳмонхонаси, “Пойтахт” бизнес мажмуаси, алгоголь, ёғ-мой каби тармоқлардаги 83 та йирик корхонадаги давлат улуши сотувга қўйилишини қайд этган эди.

Умуман олганда, давлат улуши бўлган корхоналар сони келгуси икки йилда камида 3 баробар қисқартирилади. Бу борадаги амалий чора-тадбирлар Президентимизнинг 2021 йил 11 февралдаги “Давлат активларини хусусийлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш тўғрисида”ги фармонида ҳам белгилаб берилди.

Мазкур фармонга мувофиқ, Давлат активларини бошқариш агентлиги жорий йилнинг март ойида савдоларга чиқарилиши белгиланган қуйидаги давлат активларини янги, замонавий усуллар орқали сотиш бўйича савдолар бошланганини эълон қилди. Улар сираига, жумладан, “Пойтахт бизнес мажмуаси” МЧЖ мулкий мажмуаси, “Ичан қалъа” меҳмонхона мажмуаси, “Билдирсой” оромгоҳи, “Сижжак” дам олиш маскани, “Қизил сув

спорт соғломлаштириш” МЧЖ, “Малика” савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси, Газетлар ишлаб чиқариш мажмуаси биноси, маъмурий бино (собиқ Республика биржа маркази) кирди. Аҳамиятлиси шундаки, давлат активларини сотиш ишлари давлат тендер комиссияси томонидан амалга оширилиб, савдолар икки босқичда ўтказилади.



“Пойтахт” бизнес маркази



“Ичан қалъа” меҳмонхона мажмуаси

Биринчи босқичда талабгорлар олдиндан сараланади, иккинчи босқичда талабгорнинг тижорат тақлифлари (сотиб олиш нархи ва тўловни амалга ошириш муддати) ҳамда тўлов қобилияти баҳоланади.

Қайд этиш лозимки, аввалроқ Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан фармон доирасида “Автогазтаъминот” МЧЖнинг Бухоро,

Қашқадарё, Навоий, Тошкент ва Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган 20 та кўчмас мулк объекти, жумладан, автомобилларга метан (пропан) газ қувоччи 11 та шохбеча тайёр бизнес сифатида “E-ljo Aukstion” электрон савдо майдончасига қўйилган эди.

Мазкур шохбечалардаги фаолиятни амалга ошириш учун берилган амалдаги лицензиялар, уни сотиб олган харидорлар лицензия талабларига жавоб берса, харидорларнинг номига қайта расмийлаштирилади.

Мухтасар қилиб айтганда, амалдаги хусусийлаштириш ишлари пироваврида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда бу орқали аҳолига сифатли хизмат ва махсулотлар етказиб берилишини назарда тутати.



Хоразм вилояти Хива туманида жойлашган автотранспорт воситаларига сиқилган газ қуйиш шохбечаси

БУЮК МУТАФАККИРГА МУНОСИБ ЭҲТИРОМ

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг саммитида Ўзбекистон Президентининг ташаббусидан келиб чиққан ҳолда, бутун туркий дунёнинг фахру гурурига айланган улуғ шoir ва мутафаккир Алишер Навоий номидаги Туркий кенгаш мукофотини таъсис этиш ҳақидаги таклиф аъзо давлатлар томонидан маъқулланди. Буюк аждодимизнинг шаъну шавкатига ҳар томонлама муносиб бу улғ эхтиром, ҳеч шубҳасиз, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг эзгу ташаббуси ва изчил саъй-ҳаракатларининг юксак самараси бўлди.

Хабарингиз бор, куни кеча Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг видеоанжумани шаклида норасмий саммити бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу саммитда иштирок этиб, нутқ сўзлади.

Ҳаммамиз яхши биламизки, Ўзбекистон 2019 йил 15 октябрда Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида бўлиб ўтган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг еттинчи саммитида илк бор унинг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида иштирок этганди. Бу анжуманда Президентимиз мамлакатимизнинг Кенгашига аъзо бўлиб киришининг ўрни ва аҳамияти ҳақида муҳим фикрлар билдириб, аъзо давлатларнинг савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги узаро манфаатли ҳамкорлигини кенгайтиришга доир муҳим ташаббусларни илгари сурган эди.

Мазкур анжуманда Президентимиз томонидан билдирилган яна бир муҳим ташаббус — Кенгашига аъзо мамлакатларнинг замонавий адабиёт ва санъат, тарих ва меъморчилик соҳасида улкан йўтуқларга эришган ижодкорларини рағбатлантириш мақсадида алоҳида мукофот таъсис этиш тўғрисидаги таклиф кун тартибига қўйилган эди.

Кенгашининг кеча бўлиб ўтган навбатдаги саммитида ғоят муҳим ва қувончли воқеа юз берди: Ўзбекистон раҳбарининг ушбу нуфузли мукофотни нафақат халқимизнинг, айни пайтда бутун туркий дунёнинг фахру гурурига айланган улуғ мутафаккир ҳазрат Алишер Навоий номи билан аташ тўғрисидаги таклифи аъзо давлатлар томонидан маъқулланди.

Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида ушбу масалага алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай деди:

“Ташкилотимизга аъзо давлатларнинг Сиз, ҳурматли раҳбарларига Туркий Кенгашининг илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларини, шунингдек, туркий дунё бирлигини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган атоқли шахсларни рағбатлантириш мақсадида халқаро мукофот таъсис этиш ҳақидаги таклифини маъқуллаганингиз учун ташаккур айтаман.

Ушбу мукофотни Мир Алишер Навоий номи билан аташ ҳақидаги таклифини

қўллаб-қувватлаганингиз учун ўз номидан, Ўзбекистон халқи номидан чуқур миннатдорлик билдираман. Бундай эътибор ва ишонч биз учун катта шарафдир. Биз буни барча туркий халқларнинг фахру ифтихори бўлган улуғ зот — Алишер Навоийга ҳурмат-эҳтиром деб қабул қиламиз. Бу туркий бирлик руҳини юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.”

Ҳа, бутун туркий дунёнинг эзгулини улуғлаша, яхшилиқ ва адолат, инсофу диванати тарғиб этишга, чинакам инсоний фазилатларни тараннум этишга қаратилган юксак мукофоти энди ҳақли равишда Алишер Навоий номи билан аталади.

Дарҳақиқат, мутафаккир бобомиз номи билан шарафланган халқаро миқёсдаги худди шундай олий мукофотга кўндан эҳтиёж мавжуд эди.

Буюк аждодимизнинг шаъну шавкатига ҳар томонлама муносиб бу улғ эхтиром, ҳеч шубҳасиз, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг эзгу ташаббуси ва изчил саъй-ҳаракатларининг юксак самараси бўлди.

“Ўзбекистон ташаббуси билан Туркий Кенгаш доирасида Алишер Навоий мукофотининг таъсис этилиши ҳақидаги хабар биз, адабиётчиларни ниҳоятда хурсанд қилмоқда, — дейди туркиялик таниқли олим, профессор Ўрхан Куртўғли. — Бутун дунёда етуқ олимлар тақдирланган Нобель мукофоти каби турк дунёсининг ҳам ўз адабиётчиларига, давлат ва жамоат арбобларига тақдим этиладиган Навоий мукофотининг таъсис этилиши барчамиз учун ниҳоятда муҳим қадамдир”.

Бугун буюк ўзбек шоири ва мутафаккири, Шарқ Уйғонмиш даврининг ёрқин намоянаси Мир Алишер Навоийнинг бебаҳо ижоди туркий халқларни маънавий жиҳатдан бирлаштириш йўлида беқиёс хизмат қилиб келмоқда.

Ҳазрат Навоийни барча туркий халқлар ўз улғу шоири деб билади ва ул зот билан ҳақли равишда фахрланади.

Айни пайтда, Алишер Навоий — умумбашарият тарихининг энг етуқ, комил инсонларидан бири сифатида дунё афкор оммаси учун ҳам бениҳоят қадрлидир.

Шу ўринда атоқли академик Николай Конрадининг куйидаги фикрларини эслаб ўтиш ўринли:

“Алишер Навоий — жаҳон маданиятининг бебаҳо умумий бойлиғидир. Келинг, Алишер Навоийдек шoir бўлгани учун қувонайлик! Бизга шундай шоирни армуғон қилган ўзбек халқига катта раҳмат айтайлик. Уни фақат ўрганмасдан, тадқиқ этмасдан, ўқиб ҳам юрайлик. Уни ўзимизнинг шоиримизга айлантирайлик!”

Алишер Навоий ижодида энг кўп ишлатилган сўзлардан бири — пок сўзидир. Агарки, ул ҳазратнинг, аввало, ўзи поку, сўзи пок бўлма-са, бошқалардан ҳам бу хислатни талаб қилмаган бўлар эди. Шу боис, шoir асарлари дунёнинг қайси бурчагига етиб борса, албатта ҳар бир қалбни нур каби ёритишини, ҳар қайси кўнглига кенг маънода нур улашишини, миллати, тили, дини ва эътиқодидан қатъи назар, ҳар бир онгли инсонни эзгулик ва ёруғлик сари бошлашини яхши биламиз.

Алишер Навоий ҳаётлик чоғидаёқ туркий халқлар орасида ғоят машҳурликка эришгани, қаерда туркий халқлар бор бўлса, у ерга асарлари етиб боргани ҳаммага аён.


Масалан, Алишер Навоий ижоди турк адабиётига катта ижобий таъсир кўрсатгани, турк шоири Аҳмад Пошо Навоий шеърларига назира боғлаб, ўзи ҳам шу услубда газаллар битгани, бошқа турк шоирлари ҳам ўзбек шоири бўлганасида шеърлар ёзганлари, Навоий газаллари улар учун ўзига хос ижодий мактаб вази фасини ўтагани, Туркияда Навоий асарларига махсус лўғатлар тузилгани тарихдан маълум.

Султон Боязид II Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий билан яқин алоқада бўлган, уларга тез-тез хат ёзиб, элчилар жўнатиб турган. Хиротдан ҳам турли совғалар ва китоблар келиб турган. Тарихий манбаларда келтирилишича, Алишер Навоий 1480-1481 йилларда ўзининг 33 та назалини Боязид II га совға тариқасида юборган. Кейинги йилларда ҳам бундай алоқалар узлуксиз давом этган.

1520-1571 йилларда яшаган турк шоири Ошиқ Чалабий “Машоийр уш-шуаро” (“Шoirлар мушоираси”) таъриқасида Алишер Навоийни шундай таърифлайди:

Забони туркийнинг дostonсаройи, Фаоҳат булбули, яъни Навоий.

Таниқли турк адиби, публицист, филолог, жамоат арбоби Оғоҳ Сирири Лаванд: **“Мир Алишер Навоий XV асрда Шарқда ривожлана бошлаган турк тили ва адабиётининг энг юксак нуқтага чиқаргани ва асарлари турк маданият дунёсидан улкан акс-садо уйғотгани ҳамда ўзидан кейин келган**



шоирларга ўтказган таъсири туфайли турк адабиёт тарихида энг шарафли ўринга муносибдир”, деб ёзганида ҳақ эди, албатта. Туркий халқлар адабиётини қузатсақ, асарларига энг кўп назиралар ёзилган, муҳаммаслар боғланган шoir ҳам айнан ҳазрат Навоий эканини кўрамыз. Бу ҳам Алишер Навоий ижодининг қардош халқлар адабиёти ривожига жуда катта таъсир ўтказганини билдиради.

Ўртимизда қадимдан румийхонлик, фузулийхонлик, бедилхонлик аънаналари қанчалик ривожланган бўлса, қардошларимиз юртида ҳам навоийхонлик шу қадар оммалашган. **“Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур, Муайян турк улуси худ менингдур”,** деб фахр билан ёзган шoir бобомиз нафақат ҳаётлик даврида, балки асрлар давомида ўзининг бой ва ўлмас мероси билан туркий дунёни бирлаштиришга хизмат қилиб келмоқда.

Бу йил Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги юртимизда ва халқаро миқёсда кенг нишонланмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Буюк шoir ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”**ги қарори қабул қилиниб, унга қўра, Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондини тузиш, шoir ижодий меросини чуқур ўрганиш ва оммалаштиришга улкан ҳисса қўшган мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фуқароларини ҳамда илмий-ижодий муассасаларни тақдирлаш мақсадида Алишер Навоий орденини таъсис этиш, Афғонистоннинг Хирот шаҳридаги Алишер Навоий макбараси мажмуасида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш сингари кўплаб муҳим вазифалар назарда тутилгани аҳамиятга молик.

Ушбу табаруққ санани айни пайтда Туркий кенгашига аъзо мамлакатларнинг 150 миллион нуфусдан ортиқ халқлари ҳам катта тантана билан байрам қилаётгани қувончлидир.

Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг номи ва ўлмас хотирасини, кўтулғ меросини кенг тарғиб қилиш, асраб-авайлаш ва қадрлаш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар, янги қадамлар барчамизга муборак бўлсин!



НАВОЙ

Сафма-саф ўтаркан эллар карвони Тарихлар, замонлар довоиларида, Порлаб кўринадил миллат виждони Ҳазрат Навоийнинг девонларида.

Мангу сафардошлар Сўз ва Ҳақиқат, Нур бермиш азалинг чироқларига. Ястаниб ётадил улуғ мамлакат “Хамса”нинг муборак варақларида.

Бунда ҳар бир сатр — беи юз йиллик йўл, Ҳар сўз фаршодайил силкилар қанот. Ҳар бир умидворга узатади қўл, Байтлар орасидан Ҳикмат ва Нажот.

Она Тил, Она Юрт, азиз Она Ер — Аждодлар руҳи бу, авлодлар шони! Бу жаҳон мулкда ҳазрат Алишер Маъно оламнинг Ўзбекистони.

Бобо Тарих ўзи ҳақ сўзга ровий, Вақтни-да кесолгай Она Шейр шаходи. Олти аср бўйлаб ҳазрат Навоий — Тафаккур пойтахти, Туёуэ пойтахти.

Сафма-саф ўтаркан эллар карвони Тарихлар, замонлар довоиларида, Порлаб кўринадил миллат виждони Ҳазрат Навоийнинг девонларида.

Эшқобил ШУКУР

ЭҲТИРОМ

Илдиозаси туйғудан япроқларим титрайди, Тода жим эриган қор сойларда шарқирайди, Бобом бўзидоғи “оҳ” кўзимдан тирқирайди, Шейр жонидан тўйганми, дил тубига сакрайди, Бу ҳолимга уфқдан биров тўлиб қарайди, Асрлар ҳам бир-бирин одам каби кўмаркан, Бунда шейр ўқий десам, кўёш кўзини тўсаркан.

Бунда эй, ниятларин япроқ каби тўкканлар, Бир элинг ҳасратини дилда муштдек тукканлар, Эй, қанотсиз учганлар, куш тилидан ўпанлар, Асрлар юрагидан юзурқ қондай чопанлар, Усти очик дунёнинг этагини ёнганлар, Олтин қозикча боқиб сайёҳ ҳам йўл топаркан, Ўзбекини излаганлар Навоийдан топаркан.

Бобо тупроқ, шон тупроқ, илдимиз ботган тупроқ, Тафтин танимга бериб, ўзи совқотган тупроқ, Сендан ўсан чинорнинг шохидо мен бир япроқ, Қоронгу томонини ёртган эй, шамчирок, Кўнглигини қуббасида Худойил илган байроқ, Уни хилпиратгучи ел юракдан эскаркан, Бунда шейр ўқий десам, елкандан сўз босаркан.

Тогларда қор остидо менинг кўнглим ёсяпти, Чупонининг изига тавоф деб юз босаяпти, Ёмбир торган пардалар жамолингни тўсяпти, Шу элинг ор-ғурури камолиндан тосяпти, Елкам жасмиргаяпти — қанотга ўхшаяпти, Юрак шейрдан тўлишса, сўз қанотга дўнаркан, Ҳурлик учирган қушлар юрт шохига қўнаркан.

Воҳки! Кўнглим шу дамда бунча бунёд кўрингай, Кўзим юмиб қарасам, бундан Хирот кўрингай, Кўзим очиб қарасам, мангу ижод кўрингай, Кўзим узмай тикласам, шундай аждод кўрингай, Кўз ёш билан қарасам, Пули Сирот кўрингай, Бобо! Кўзларим ёнди — кўнгли шундай тўларкан, Бундаси ҳар навиҳол чинордан буй оларкан, Ўзбекини излаганлар Навоийдан топаркан.

Шодмонқул САЛОМ

Саҳифани Икром БҮРИБОЕВ тайёрлади.

“ЖАҲОН АЙВОНИДА ПАЙДО АЛИШЕР...”

Алишербек назари йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтувтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хуб айтқон эмас. Олти маснавий китоб назм қилибтур, беши “Хамса” жавобидо, яна бир “Мантқиқут-тайр” вазнида “Лисон-ут тайр” отлик. Тўрт газалиёт девони тартиб қилибтур: “Ғаройиб-сигар”, “Наводир-уш-шабоб”, “Бадойил-васат”, “Фавоидул-кибар” отлик. Яхши рубоийети ҳам бор...

Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлиши бўлғай. Устоз Қўлу муҳаммад ва Шайх Нойи ва Хусайн Удийким, созда саромад эдилар, бекнинг тарбият ва тақвияти била мунча тараққий ва шуҳрат қилдилар. Устоз Бехоҳ ва Шоҳ Музаффар тасвирда бекнинг саъй ва эҳтимоми била мундоқ машҳур ва маъруф бўлдилар. Мунча бинойи хайр ким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай.

Сайёрамизда тоғлар орасида энг баланд чўққи Эверест бўлса, шоирлар ичра энг юксакги ҳазрат Навоийдир.

Андраш БОДРОГЛИГЕТТИ, Калифорния университети профессори, навоийшунос олим

Навоий жаҳон шоирлари орасида туриб, баралла овоз билан ўз газалларини ўқимоқда. Замонанинг энг буюк шоирлари — Неруда, Гильен, Альберти, Лонгфелло, Нозим Ҳикмат ва Незваллар бу зот қаршисида тиз бўкадилар.

Навоийнинг адабий мероси дунё халқлари қалбидо асрлар давомида яшаб келди ва бундан кейин ҳам яшайверади.

Луи Арагон, француз шоири

Дунёнинг турли жойларига тарқалган ва ватандан айри тушган одамларни ўзининг асарлари билан бир манзилда тўплай олган бошқа бир шoir бормикан? Сунги нафасигача халқ гаму таъшиши билан яшаб, унинг фаровон ҳаёти йўлида турли-туман машаққатларга бардош бериб, тўхмат ва бўхтонларга йўлиқиб, эътиқодига қарши бормаган Навоийдек иродали шoir топилармикан? Ажабо, ҳўрланган бир тилни ҳузур-ҳаловатдан кечиб, ўзини фидо қилиш орқали химоя қилган яна бир шoir туғилармикан?

Алишер Навоий халқи ва она тилига фақат асарлари билан эмас, балки амалий фаолияти билан ҳам ўзини бағишлаган даҳо бир санъаткордир.

Юсуф Четиндоғ, турк олими

Нуроний юз, нуроний соқол, Кўзларидо муҳаббат, малол. Даҳо порлар пешонасидан Гўё кўёш булут ичидан. Буюк кўнғил ва буюк фикр Мавжи каби чизғиларда сир. Қўркам, мағрур, оз эгик боши, Қуюқ, жиддий киприги, қоши. Нигоҳининг маъносини нодир: Шундай боқар файласуф шoir. Чехрасида ҳаёт мазмуни, Тажрибалар ясаммиш уни. Гўзал, оппоқ салла бошида, Келишганди қадди ёшига. Донишманд чол, улғу руҳга хос Бир табассум — тасвирга сигмас. Тавозеи самимий, илиқ, Ҳаракати нозик ва силлиқ. Нафис бутун сиймоси, саси, Нафис ишқи, ғами, ғуссаси.

Захриддин Муҳаммад Бобур

Огаҳий ким топгай эрди созу назмингдин наво, Баҳра гар йўқадур Навоийнинг навосидин сенга.

Муҳаммадризо Огаҳий

Биз Алишер Навоий сиймосида ўта билимдон, қизқишлари ранг-баранг, улкан ҳаётий тажрибага эга ва биз учун янаде азизроғи — катта қалб соҳиби инсонларга нисбатан муҳаббати лиммо-лим тошган ва шу муҳаббат ҳаққи уларнинг камчиликларини унутишга ва кечиришга қодир кишини ҳам кўрамыз.

Евгений Бертельс, академик

Алишер Навоий, ҳақиқатан, буюк шахс. Бунинг сабаби, унинг буюк идеал соҳиби эканидир. Ҳа, унинг ажиб бир идеали — гоёси бор. Бу идеал нимадан иборат?

Навоий ижод қилган даврда юксак даражага кўтарилган Эрон адабиётининг мавкеи жуда баланд эди. Шунингдек, ўша даврда араб адабиёти ҳам машҳур эди... Шундай пайтда муамтоз туркий адабиёти ҳам пайдо бўлиши керак эди. Бу шарафли вазифани Алишер Навоий адо этди. Алишер Навоий турк дунёсини қалам билан бирлаштирди. У даврда тил ва маънавият бир эди. Турклар орасида арабча илмга, форсча санъатга рағбат кучли эди. Турк тили бир бурчақда қисилиб қолган эди.

Алишер Навоий доҳийдир. У туркий маданият ва туркий тилнинг химоячисидир.

Камол Эраслон, турк олими

Ойбекнинг “Навоий” достонидан.

Академик Воҳид Зоҳидовнинг “Улуғ шoir ижодининг қалби” китобидан.

НИГОХ

МАЪРИФАТ ЗИЁСИ ХАЛҚ ЙЎЛИНИ ЁРИТУВЧИ МАШЪАЛДИР



Феруза МУХИТДИНОВА,
Тошкент давлат юридик университети профессори

Янги Ўзбекистон ибораси кундалик қадриятга айланмоқда. Чунки республикамизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жамият ҳаётининг барча соҳаларида маънавий омиллар устуворлигини таъминлаб, исталган касб йўналишидаги ходимдан инсонпарварлик, ҳалоллик ва адолатни талаб этар экан, бунда энг асосий ғоя инсон манфаатини улуғлашга қаратилгани билан диққатга сазовордир. Шу нуқтаи назардан, жорий йилнинг 26 март куни Президентимиз томонидан қабул қилинган “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор анчадан буён халқимиз, жумладан, олимларимиз кўнглидаги фикрларнинг амалий ечимини бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Юртимизда ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизнинг бош мақсади, яъни “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” ғоясини амалга ошириш давр талабига айланган ҳақиқатдир. Зеро, бу ғоя янги овоз ва эркин жамиятимиз ҳаётида оила муқаддаслигини, ота-онага, маҳалла ва яқинларга бўлган меҳр-оқибатни, ўз касбига виждонан ёндашувни қадрлагувчи маърифат эгаларини назарда тутди. Шунингдек, у ҳар қандай шароитда қонун олдига ҳамма тенглигини аниқлаш, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини эътироф этиши билан аҳамиятли.

Давлатимиз раҳбари мазкур масаланинг муҳимлиги ва долзарблигини қайд этган ҳолда, ўз маърузаларида маънавиятга катта урғу бериб келмоқда. Ҳатто фуқароларимизнинг йиллар давомида қийнаб келган муаммолари ечимини топишда ҳам, аввало, юксак маънавий тамойиллар асосида ёндашув зарурлигини таъкидлаб ўтади. Зеро, эътибор бериб қарайдиган бўлсак, судьяларнинг одилона ҳукм чиқариши, прокурор ва суд-ҳуқуқ соҳаси ходимларининг қонунийлик тамойилига таяниб адолатли қарор қабул қилиши, ҳокимларнинг халққа гамхўр муносабати, ҳарбийнинг ватанпарварлиги, шифокорнинг фидойилиги манбаи ҳам маънавий қимлик сари интилишдадир.

Улуғ аллома Форобий бобомиз фозил одамда ҳам билим, ҳам маърифат, ҳам инсонийлик бўлади, дея бежиз таъкидламаган. Чунки жоҳил инсонда билим юқори бўлиши мумкин, лекин асосий масала ана шу билимдан қандай мақсадда фойдаланишда. У илмидан вайрончилик, талончилик ва босқинчилик учун фойдаланса, жамият, инсонлар катта азият чекади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, бунга бугунги интернет тармоғидаги маънавий хуружларни мисол қилиб келтириш мумкин. Яъни уни тарғиб



қилаётганларнинг ахборот-технологиялари воситаларидан фойдаланиш борасида уқуви юқори, лекин ундан салбий мақсадда фойдаланаётгани маънавиятга берилаётган зарбандан бошқа нарса эмас. Табиийки, бу хавф-хатардан, биринчи навбатда, ёшлар тафаккурига, тарбиясига катта зарар етди. Улар уяли мобил алоқаларнинг қўлида тарбияланаётгани аниқ ҳақиқат.

Шу бос, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлиси Мурожаатномаси, Ўзбекистон ёшларининг биринчи форуми ҳамда Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши, 19 январдаги видеоселекторда маънавият йўналишида белгилаб берган вазифалари мазкур муаммонинг ўта муҳимлигини аниқ

латади. Миллий тафаккур, эзгу қадриятларимиз, биринчи галда, тинч-тотувликда, аҳиллик ва ҳалолликда, таълим ва тарбияда акс этади. Янги Ренессанс халқимизнинг буюк маънавият ва маърифатидан бошланар экан, бу борада юзага келаётган муаммоларга бефарқ бўла олмаيمиз.

Бугунги кунда халқимизни, айниқса, ёшларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасидаги ҳам ташкилий-амалий, ҳам илмий-тадқиқот ишларига эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам ошганки, бу борада давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда хусусий секторнинг ижтимоий ҳамкорлиги талаб этилмоқда.

Чунки ёшларимизни глобаллашув даврининг ёт ва зарарли ғояларидан ҳимоя қилиш ўта долзарб масалага айланган.

Албатта, ечимини қутаётган муаммоларни ҳал этишда маънавий-маърифий ишларнинг самараси ва таъсирчанлиги муҳим ўрин тутди. Жумладан, амалга оширилаётган ислохотларга нисбатан ёшларда дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, соҳадаги ишларни мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини яратиш кун талаби бўлиб қолмоқда.

Мазкур қарорда маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари кўрсатиб берилиши билан бирга эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш вазифаси таъкидлаб ўтилган. Шунингдек, оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бу борадаги вазифалар эса тарғибот-ташвиқот йўналишидаги ишларни ташкил этиш, соҳа бўйича илмий ва услубий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган доимий мониторинг тизимини жорий қилиш каби масалаларни қамраб олган.

Таълим ташкилотларида маданий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ҳамда 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб олий таълим тизимининг ўқув режаларига “Маънавиятшунослик”, “Касбий маънавият” фанларининг киритилишининг ушбу муҳим ҳужжатда қайд этилгани ҳам биз, педагогларни жуда мамнун этди. Зеро, ҳар бир мутахассис нафақат малакали кадр, балки маънан қимматли ва юксак бўлиши энг катта ютуғимиз саналади.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ

ПИРОВАРД МАҚСАДИМИЗ

замонавий меҳнат бозори талабларига мос кадрлар тайёрлашга қаратилган



Зайниддин ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти директори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Кейинги йилларда юртимизда илм-фанга муносабат тубдан ўзгарди. Таълим соҳасини ислох этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотларга кенг йўл очилди. Сифатли таълим хизматлари кўрсатиш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш янгиланишларнинг пировард мақсадига айланди.

Шу ислохотлар жараёнида касб-хунар таълими соҳасига ҳам замонавий тамойиллар олиб кирилди. Халқаро андозаларга мос профессионал таълим тизими жорий этилди. Хусусан,

давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони мазкур ислохотларнинг мустаҳкам пойдеворига айланди. Сабаби, унга мувофиқ, 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистонда Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи даражалари билан уйғунлашган бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим даражаларини қамраб оigan профессионал ўқитиш тизими ҳамда табақалаштирилган ўқув дастурлари жорий этиладиган таълим муассасалари ташкил қилинди. Мазкур дастурлар асосида тегишли кадрлар тайёрлайдиган ўқув масканлари рўйхати тасдиқланди.

Шунга ҳамоҳанг тарзда профессионал ўқитиш тизимида тегишли таълим дастурлари жорий этилган касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумлардан иборат профессионал ўқув муассасалари тармоғи яратилди. Айни пайтда юртимизда 339 та касб-хунар мактаби, 201 та коллеж, 185 та техникум фаолият юритяпти.

Ҳаракатлар стратегиясидаги ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларида узлуқсиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш зарурлиги қатъий белгилаб берилган.

Зотан, халқаро меҳнат бозори, интеграцион жараёнларнинг жадаллашуви, рақамлаштириш, саноатдаги технологик инқилоблар даври ҳаман шунини талаб қилляпти. Зарур малака ва кўникмаларга эга, рақобатбардор ўрта бўғин мутахассислари халқаро андозаларга мос, профессионал таълим тизимида тайёрланади.

Шу маънода, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти нафақат таълим муассасалари, балки соҳада инновацион муҳит, янги макон яратиш ишларига изчил киришган. Жумладан, тизимдаги раҳбар ва

педагог ходимлар учун янгича мезонларда ўқув курслари ташкил этиляпти. Мазкур ўқув йилида малака оширишнинг йиғирмага яқин янги модули жорий қилинди. Икки юздан ортиқ визуаллаштирилган ва рақамлаштирилган янги электрон таълим ресурслари базаси яратилди.

Институт айни пайтда касб-хунар таълимининг инновацион ривожлантириш ҳамда раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш йўналишларида фаолият олиб бормоқда. Тизимни қисқа вақт оралиғида ривожлантириш ва жаҳон стандартларига тўла мослаштириш мақсадида ривожланган мамлакатлар ҳамда халқаро ташкилотларнинг илғор тажрибалари ўрганиляпти. Жараёнда Германия, Швейцария, Жанубий Корея, Туркия ва Хитой каби давлатлар, ЮНЕСКО, Британия кенгаши, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти, Осие таракқиёт банки, Европа таълим фонди, Туркия ҳамкорлик агентлиги, Хитойнинг Университетлар уюшмаси каби ташкилотлардан икки юздан ортиқ нуфузли экспертлар жалб этилди.

Улардан зарур тажриба ва хулосалар олинди.

Беларус Республикасининг Профессонал таълим республика институти билан профессионал таълим сифатини ошириш, миллий малака тизимини жорий этиш ва WorldSkills стандартлари асосида кадрлар тайёрлаш йўналишларини қамраб олган ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Давлатимиз раҳбари томонидан хорижий мигрантларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича белгилаб берилган вазифалар доирасида Россия халқлар дўстлиги институти билан ҳамкорлик ўрнатилиб, Ўзбекистонда унинг уқултонхонаси очилди. Бу мигрантларга рус тилида мулоқот қилиш ва рус тилида касб ўргатиш имконини кенгайтиради.

Профессионал таълим ривожини соҳада меҳнат қилаётган раҳбар ва педагог ходимлар малакасини ошириш қай даражада сифатли йўлга қўйилганига ҳам бевосита боғлиқ. Шу маънода, Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 26 февралдаги “Профессонал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини



Қарорга мувофиқ, раҳбар ва педагог ходимлар, касбий фаолият натижалари қайд этишнинг электрон портфолиоси (таълим платформаси) тизими йўлга қўйилди. Шунга қўра, касбий фаолият натижалари ва эришган ютуқларига, асосан, раҳбарлар ҳамда педагог ходимлар муқобил, масофавий, малака ошириш таълим муассасалари ва уйғунлашган ҳолда малака оширишга жалб қилинади.

Шунингдек, қарорга асосан, бошқарув ва педагог кадрларнинг илмий-педагогик салоҳиятидан келиб чиқиб, уларнинг касбий эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган узлуқсиз малака ошириш шакллари мустақил танлаш ҳамда ўзлаштириш имконияти яратилди. Малака ошириш ўқув режаларига бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, бошқарув кадрларининг фаолиятини амалга ошириш учун зарур янги модуллар киритилиб, асосий эътибор амалиётга қаратилди. Ўқув режалардаги умумий соатнинг камида етмиш фоизи амалий дарсларга ажратилгани шундан далолат беради.

Институт негизда профессионал таълим тизимини рақамлаштириш лабораторияси ташкил этиляпти. Параллел равишда профессионал таълим тизимининг барча турдаги меъёрий ва методик маҳсулотларини

яратиш, ишлаб чиқилган материалларни таълим платформасида кенг муҳокамага қўйиш ва яқини хулосаларга асосан тайёрланган маҳсулотларни тажриба-синов учун амалиётга киритиш бўйича ҳам саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Институт фаолиятида дуал таълим принципига асосланган тизимни жорий этиш, профессионал таълим соҳасида ўз-ўзини молиялаштириш салоҳиятини ҳосил қилиш масалалари алоҳида ўрин тутди. Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 29 мартдаги “Профессонал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори бу борадаги ишларимизни жадаллаштиради.

Мамлакатимизда профессионал таълим бўйича юритилаётган давлат сиёсати таълимнинг натижадорлигига қаратилгани соҳада жадвал, янгиликларга ташналик руҳида давом эттиради. Хорижий тажрибалар асосида педагог ходимларнинг малака оширишга, зарур билим ёки маълумотларга мавжуд эҳтиёжини аниқлаш ва қондириш, уларни малака ошириш курсларига жалб этишнинг янги механизми ва методик таъминотини яратиш биз учун ҳамма долзарб вазифа бўлиб қолади.